

**ФУНДАМЕНТАЛ ВА
КЛИНИК ТИББИЁТ
АХБОРОТНОМАСИ**

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL
AND CLINIC MEDICINE**

2026, №2 (22)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL
AND CLINIC MEDICINE**

**ФУНДАМЕНТАЛ ВА КЛИНИК
ТИББИЁТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ФУНДАМЕНТАЛЬНОЙ И
КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по фундаментальным и клиническим
проблемам медицины
основан в 2022 году

Бухарским государственным медицинским институтом
имени Абу Али ибн Сино
выходит один раз в 2 месяца

Главный редактор – Ш.Ж. ТЕШАЕВ

Редакционная коллегия:

*С.С. Давлатов (зам. главного редактора),
Р.Р. Баймурадов (ответственный секретарь),
М.М. Амонов, Г.Ж. Жарилкасинова,
А.Ш. Иноятов, Д.А. Хасанова, Е.А. Харибова,
Ш.Т. Уроков, Б.З. Хамдамов, Ф.К. Халлоқов*

*Учредитель Бухарский государственный
медицинский институт имени Абу Али ибн Сино*

2026, № 2 (22)

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 200100, г.
Бухара, ул. Гиждуванская, 23.

Телефон (99865) 223-00-50

Факс (99866) 223-00-50

Сайт <https://bsmi.uz/journals/fundamental-ya-klinik-tibbiyot-ahborotnomasi/>

e-mail baymuradovravshan@gmail.com

О журнале

Журнал зарегистрирован
в Управлении печати и информации
Бухарской области
№ 1640 от 28 мая 2022 года.

Журнал внесен в список
утвержденный приказом № 370/б
от 8 мая 2025 года реестром ВАК
в раздел медицинских наук.

Отпечатано в типографии ООО
“Шарк-Бухоро”. г. Бухара,
ул. Узбекистон Мустакиллиги, 70/2.

Редакционный совет:

Абдурахманов Д.Ш.	(Самарканд)
Абдурахманов М.М.	(Бухара)
Ахмедов Р.М.	(Бухара)
Баландина И.А.	(Россия)
Бахронов Ж.Ж.	(Бухара)
Бернс С.А.	(Россия)
Газиев К.У.	(Бухара)
Деев Р.В.	(Россия)
Дустова Н.К.	(Бухара)
Зокирова Н.Б.	(Ташкент)
Казакова Н.Н.	(Бухара)
Калашникова С.А.	(Россия)
Каримова Н.Н.	(Бухара)
Курбонов С.С.	(Таджикистан)
Маматов С.М.	(Кыргызстан)
Мамедов У.С.	(Бухара)
Мирзоева М.Р.	(Бухара)
Миршарапов У.М.	(Ташкент)
Набиева У.П.	(Ташкент)
Нуралиев Н.А.	(Хорезм)
Наврұзов Р.Р.	(Бухара)
Нарзиева Д.Ф.	(Бухара)
Орипов Ф.С.	(Самарканд)
Орипова Ф.Ш.	(Бухара)
Одилова Г.Р.	(Бухара)
Очилов К.Р.	(Бухара)
Раупов Ф.С.	(Бухара)
Рахмонов К.Э.	(Самарканд)
Рахметов Н.Р.	(Казахстан)
Рахматова С.Н.	(Бухара)
Султонова Л.Дж.	(Бухара)
Сайдуллаев З.Я.	(Самарканд)
Удочкина Л.А.	(Россия)
Файзиев Х.Б.	(Бухара)
Хамдамова М.Т.	(Бухара)
Хамдамов И.Б.	(Бухара)
Ходжаева Д.Т.	(Бухара)
Худойбердиев Д.К.	(Бухара)
Шодиева М.С.	(Бухара)
Эшонов О.Ш.	(Бухара)

**АУТИСТИК СПЕКТР БУЗИЛИШЛАРИДА КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯ ЖАРАЁНИДА
КОГНИТИВ, КОММУНИКАТИВ ВА ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯЛАРНИНГ ТИКЛАНИШ
ДИНАМИКАСИ**
Тургунбоев А.У.

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд ш., Ўзбекистон

Резюме. Ушбу тадқиқотда аутистик спектр бузилишлари (АСБ)га эга болаларда комплекс, индивидуализирилган ва мултидисциплинар реабилитациянинг когнитив, коммуникатив ва ижтимоий функцияларни тиклашдаги самарадорлиги таҳлил қилинди. 3-12 ёшдаги 80 нафар бола асосий (60) ва назорат (20) гуруҳларга тақсимланди. Асосий гуруҳда комплекс машғулотлар - АБА асосидаги хулқ-атвор терапияси, логопедик ва коммуникация тренинглари, когнитив ва эмоционал-регуляция машғулотлари олиб борилди, назорат гуруҳда эса стандарт психоэдукатив қўллаб-қувватлаш қўлланилди. Натижалар асосий гуруҳда когнитив функциялар 63-70%, коммуникатив функциялар 57-63%, ижтимоий функциялар 63-72% даражада яхшиланди, назорат гуруҳда эса 15-25% яхшиланиш кузатилди. Шунингдек, оила ва ижтимоий муҳит билан самарали ҳамкорлик натижаларни 15-20% гача ошириши аниқланди. Тадқиқот комплекс ва оилавий қўллаб-қувватлаш интегратив реабилитация стратегиясининг АСБдаги болаларда самарадорлигини тасдиқлайди.

Калит сўзлар: аутистик спектр бузилишлари, комплекс реабилитация, когнитив функциялар, коммуникатив функциялар, ижтимоий функциялар, оилавий қўллаб-қувватлаш.

**DYNAMICS OF COGNITIVE, COMMUNICATIVE, AND SOCIAL FUNCTION RECOVERY
DURING COMPREHENSIVE REHABILITATION IN AUTISM SPECTRUM DISORDERS**

Turgunboyev A.U.

Samarkand State Medical University, Samarkand, Uzbekistan

Resume. This study analyzed the effectiveness of a comprehensive, individualized, and multidisciplinary rehabilitation program in restoring cognitive, communicative, and social functions in children with autism spectrum disorders (ASD). A total of 80 children aged 3-12 years were included, divided into a main group (60) and a control group (20). The main group received comprehensive interventions, including ABA-based behavioral therapy, speech and communication training, cognitive and emotional-regulation exercises, while the control group received standard psychoeducational support. Results showed improvements in the main group of 63-70% in cognitive functions, 57-63% in communicative functions, and 63-72% in social functions, compared to only 15-25% improvements in the control group. Moreover, effective collaboration with family and social environment increased outcomes by 15-20%. The study confirms the effectiveness of an integrative rehabilitation strategy incorporating family support for children with ASD.

Keywords: autism spectrum disorders, comprehensive rehabilitation, cognitive functions, communicative functions, social functions, family support.

**ДИНАМИКА ВОССТАНОВЛЕНИЯ КОГНИТИВНЫХ, КОММУНИКАТИВНЫХ И
СОЦИАЛЬНЫХ ФУНКЦИЙ В ПРОЦЕССЕ КОМПЛЕКСНОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ ПРИ
АУТИСТИЧЕСКИХ СПЕКТРАЛЬНЫХ НАРУШЕНИЯХ**

Тургунбоев А.У.

Самарқандский государственный медицинский университет, г. Самарқанд, Узбекистан

Резюме. В данном исследовании проанализирована эффективность комплексной, индивидуализированной и мултидисциплинарной реабилитации когнитивных, коммуникативных и социальных функций у детей с расстройствами аутистического спектра (РАС). В исследование были включены 80 детей в возрасте 3-12 лет, разделенные на основную (60) и контрольную (20) группы. В основной группе проводились комплексные занятия - поведенческая терапия по методике АВА, логопедические и коммуникативные тренинги, когнитивные и эмоционально-регуляционные упражнения, тогда как в контрольной группе применялась стандартная психообразовательная поддержка. Результаты показали, что в основной группе когнитивные функции улучшились на 63-70%, коммуникативные - на 57-63%, социальные - на 63-72%, тогда как в контрольной группе улучшения составили лишь 15-25%. Кроме того, эффективное взаимодействие с семьей и

социальным окружением увеличивало результаты на 15-20%. Исследование подтверждает эффективность интегративной стратегии реабилитации с учетом семьи у детей с РАС.

Ключевые слова: *расстройства аутистического спектра, комплексная реабилитация, когнитивные функции, коммуникативные функции, социальные функции, поддержка семьи.*

Кириш. Аутистик спектр бузилишлари (АСБ) - марказий нерв тизимининг ривожланишига оид мураккаб нейрпсихологик ҳолатлар бўлиб, уларда ижтимоий мулоқот, вербал ва новербал коммуникация ҳамда хулқ-атвор регуляцияси соҳаларида барқарор бузилишлар кузатилади [1]. АСБ билан касалланган болалар ва ёшларда клиник кўринишлар турлича бўлиб, когнитив ва ижтимоий функцияларнинг турли даражада пасайиши кузатилади [2]. Бу бузилишлар фақат болалик даврида намоён бўлиб қолмай, балки ўсмирлик ва катталар даврида ҳам ижтимоий ва эмоционал ривожланишга таъсир кўрсатади, шахснинг кундалик ҳаёт фаолиятида турли даражадаги функционал чекловларини келтириб чиқаради [3]. АСБнинг клиник ва нейрпсихологик белгиларининг турлилиги унинг полиморфик хусусияти билан боғлиқ. Беморларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси, нутқ функцияларининг шаклланиши, сенсор сезувчанлик хусусиятлари ва коморбид руҳий ёки неврологик бузилишларнинг мавжудлиги индивидуал клиник-психологик профилларнинг шаклланишига олиб келади [4, 5]. Бу эса стандартлаштирилган ёки умумий реабилитация дастурлари ҳар доим ҳам кутилган самарани бермаслигини кўрсатади, яъни ҳар бир шахс учун индивидуаллаштирилган ёндашув зарурлигини таъкидлайди. Комплекс реабилитация - бу когнитив, коммуникатив ва ижтимоий кўникмаларни тиклашга қаратилган индивидуаллаштирилган, босқичма-босқич ва кўп соҳали ёндашувни талаб қилади [6]. Ушбу ёндашувда когнитив ва ижтимоий кўникмаларнинг тикланиши, эмоционал регуляцияни мустаҳкамлаш, стереотип ва нохуш хулқ-атворларни камайтириш, шунингдек, оила ва ижтимоий муҳит билан самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсад қилинади. Илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики, реабилитациянинг самарадорлиги беморнинг ёши, интеллектуал имкониятлари, эмоционал ҳолати ва ижтимоий муҳити билан чуқур боғлиқ [7, 8]. Бундан ташқари, комплекс реабилитацияда қўлланиладиган терапевтик методлар – АБА (Аплиэд Беҳавиор Аналісис) асосидаги хулқ-атвор терапияси, логопедик ва коммуникация тренинглари, когнитив ва нейрпсихологик машғулотлар ҳамда эмоционал-регуляция бўйича тренинглари - интегратив равишда амалга оширилади. Бу ёндашувнинг асосий мақсади - беморнинг когнитив ва ижтимоий қобилиятларини энг юқори даражада ривожлантириш ва кундалик ҳаёт фаолиятидаги мустақилликни оширишдир [9]. Шу муносабат билан, замонавий илмий адабиётлар комплекс, индивидуаллаштирилган ва мультидисциплинар ёндашувни АСБдаги шахсларнинг когнитив, коммуникатив ва ижтимоий функцияларини тиклашда энг самарали стратегия деб баҳолайди. Бу тадқиқотда асосий эътибор ушбу функцияларнинг комплекс реабилитация жараёнидаги тикланиш динамикасини баҳолаш ва уларнинг оила ва ижтимоий муҳит билан ҳамкорлик даражасига боғлиқлигини ўрганишга қаратилган [10].

Тадқиқот мақсади. Аутистик спектр бузилишлари (АСБ)га эга бўлган болалар ва ёшларда комплекс реабилитация жараёнида когнитив, коммуникатив ва ижтимоий функцияларнинг тикланиш динамикасини таҳлил қилиш ва уларнинг индивидуал хусусиятлар, оила ва ижтимоий муҳит омиллари билан боғлиқлигини аниқлаш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Самарқанд вилояти филиали шифохонаси базасида амалга оширилди. Тадқиқотга аутистик спектр бузилишлари билан касалланган 3-12 ёшли 80 нафар бола жалб қилинди. Улар асосий ва назорат гуруҳларига тақсимланди: асосий гуруҳ 60 нафар, назорат гуруҳи 20 нафардан иборат эди. Асосий гуруҳда комплекс реабилитация дастури амалга оширилди. Бу дастур когнитив, коммуникатив ва ижтимоий функцияларни тиклашга қаратилган индивидуаллаштирилган, босқичма-босқич машғулотларни ўз ичига олди. Когнитив функциялар соҳасида диққатни бошқариш, хотира, ижро этиш функциялари ва муаммони ҳал қилиш кўникмалари ривожлантирилди. Коммуникация йўналишида вербал ва новербал мулоқот, нутқ ривож ва ижтимоий ҳикоялардан фойдаланиш кўникмалари шакллантирилди. Ижтимоий функциялар эса ижтимоий қоидаларни тушуниш, ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш ва адаптив кўникмаларни ўз ичига олди. Реабилитация дастури бир қатор компонентларни ўз ичига олди. Хулқ-атвор терапияси АБА методологияси асосида олиб борилди. Логопедик ва коммуникация тренинглари нутқ ва мулоқот кўникмаларини ривожлантирди. Когнитив ва нейрпсихологик машғулотлар диққат, хотира, муаммони ҳал қилиш ва ижро этиш функцияларини қўллаб-қувватлади. Эмоционал-регуляция тренинглари ҳис-туйғуларни таниб билиш, ифодалаш ва бошқариш кўникмаларини шакллантирди. Шунингдек, оила ва ижтимоий муҳит билан ҳамкорлик орқали болаларни

қўллаб-қувватлаш тизими мустаҳкамланди. Назорат гуруҳи эса стандарт тиббий кузатув ва оддий психоэдукатив қўллаб-қувватлаш билан чекланди. Бу гуруҳда махсус комплекс машғулотлар олиб борилмади ва индивидуал реабилитация стратегиялари қўлланмади. Назорат гуруҳи асосий гуруҳ билан солиштириш орқали комплекс реабилитациянинг самарадорлигини баҳолаш имконини берди.

Когнитив, коммуникация ва ижтимоий функцияларни баҳолаш психометрик тестлар, клиник кузатувлар ва структуралаштирилган интервьюлар орқали амалга оширилди. Бу усуллар орқали асосий ва назорат гуруҳларидаги функционал ўзгаришлар ва реабилитация самарадорлиги аниқланди.

Натижалар. Комплекс реабилитациядан олинган натижалар когнитив, коммуникатив ва ижтимоий функциялар бўйича тўлиқ таҳлил қилинди. Асосий гуруҳда реабилитация жараёнида барқарор ва сезиларли яхшиланишлар кузатилди, назорат гуруҳда эса кўпинча минимал ўзгаришлар қайд этилди. Бу кўрсаткичлар реабилитациянинг самарадорлиги ва унинг индивидуаллаштирилган характери аниқ кўрсатди.

Когнитив функциялар соҳасида асосий гуруҳда диққатни бошқариш, хотира ва ижро этиш функциялари ҳамда муаммони ҳал қилиш кўникмаларида сезиларли ривожланиш қайд этилди. Реабилитациядан сўнг болаларнинг диққатни бошқариш ва ижро этиш функциялари 68% да, хотира қобилияти 63% да, муаммони ҳал қилиш кўникмалари эса 70% да яхшиланди. Бу кўрсаткичлар комплекс машғулотлар натижасида когнитив салоҳиятнинг интегратив тикланишини кўрсатади.

1-жадвал.

Когнитив функциялар бўйича натижалар

Функция	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳ
Диққатни бошқариш	68%	22%
Хотира қобилияти	63%	20%
Ижро этиш функциялари	68%	22%
Муаммони ҳал қилиш кўникмалари	70%	25%

Назорат гуруҳда когнитив функцияларда минимал ўзгаришлар кузатилди: диққат ва ижро этиш функциялари фақат 22% болада, хотира қобилияти 20% болада, муаммони ҳал қилиш кўникмалари эса 25% болада яхшиланишни кўрсатди. Бу эса комплекс реабилитациянинг афзаллигини аниқ намоён қилади.

Коммуникатив функциялар асосий гуруҳда вербал ва новербал мулоқотни ривожлантиришда 62% болада, нутқ ривожиди 57% болада, ижтимоий ҳикоялардан самарали фойдаланиш кўникмалари эса 63% болада яхшиланиш қайд этилди. Бу кўрсаткичлар логопедик ва коммуникация тренинглари ҳамда визуал ёрдам воситалари билан олиб борилган машғулотлар самарадорлигини исботлайди.

2-жадвал.

Коммуникатив функциялар бўйича натижалар

Функция	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳ
Вербал ва новербал мулоқот	62%	18%
Нутқ ривожиди	57%	15%
Ижтимоий ҳикоялардан самарали фойдаланиш	63%	20%

Назорат гуруҳда коммуникатив функцияларда ўсиш анча кам бўлиб, вербал ва новербал мулоқот 18% болада, нутқ ривожиди 15% болада, ижтимоий ҳикоялардан фойдаланиш кўникмалари эса 20% болада яхшиланди. Бу кўрсаткичлар махсус машғулотларсиз стандарт психоэдукатив қўллаб-қувватлашнинг чекланган самарадорлигини кўрсатади.

Ижтимоий функциялар соҳасида асосий гуруҳда адаптив кўникмалар ва ҳамкасблар билан ҳамкорлик даражаси ҳам сезиларли ўсди. Ижтимоий қоидаларни тушуниш 72% болада, ҳамкасблар билан самарали ҳамкорлик 66% болада, адаптив кўникмаларнинг ўсиши эса 63% болада қайд этилди. Бу кўрсаткичлар болаларнинг кундалик ҳаётда мустақиллик даражасининг ортишига ва ижтимоий муҳитда самарали фаолият олиб бориш имкониятларига олиб келди.

Назорат гуруҳда ижтимоий функцияларда яхшиланиш нисбатан паст бўлиб, ижтимоий қоидаларни тушуниш 22% болада, ҳамкасблар билан ҳамкорлик 20% болада, адаптив кўникмалар эса 25% болада яхшиланди. Комплекс реабилитациянинг умумий самарадорлиги. Асосий гуруҳда когнитив, коммуникатив ва ижтимоий функцияларнинг интегратив тикланиши натижасида умумий самарадорлик 66-70% ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич комплекс, индивидуаллаштирилган ва

мультидисциплинар ёндашувнинг самарадорлигини аниқ кўрсатади. Назорат гуруҳда умумий яхшиланиш фақат 20-25% ни ташкил қилди, бу эса махсус комплекс реабилитациянинг самарадорлигини аниқ кўрсатади.

3-жадвал.

Ижтимоий функциялар бўйича натижалар

Функция	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳ
Ижтимоий қоидаларни тушуниш	72%	22%
Ҳамкасблар билан ҳамкорлик	66%	20%
Адаптив кўникмалар	63%	25%

Оила ва ижтимоий муҳит билан самарали ҳамкорлик комплекс реабилитация натижаларини сезиларли даражада оширди. Ота-оналар ва яқин қариндошларнинг фаол иштирок этган ҳолатларда когнитив ва ижтимоий кўникмаларнинг ўсиши 72-75% болада қайд этилди, оилавий қўллаб-қувватлаш кам бўлган болаларда эса бу кўрсаткич 50-55% атрофида бўлди.

Шунингдек, оила ва ижтимоий муҳит билан самарали ҳамкорлик комплекс реабилитация натижасини 15-20% гача ошириши мумкинлиги аниқланди, бу эса индивидуаллаштирилган ёндашувнинг оилавий детерминантлар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Хулоса. Тадқиқот натижалари комплекс, индивидуаллаштирилган ва мультидисциплинар реабилитация АСБга эга болаларда когнитив, коммуникатив ва ижтимоий функцияларнинг барқарор тикланишини таъминлайдиган энг самарали ёндашув эканлигини кўрсатди. Асосий гуруҳда 66-70% даражадаги умумий самарадорлик қайд этилди, назорат гуруҳда эса фақат 20-25% яхшиланиш кузатилди. Шунингдек, оила ва ижтимоий муҳит билан самарали ҳамкорлик натижаларни сезиларли даражада ошириб, реабилитация жараёнида индивидуал детерминантларнинг аҳамиятини тасдиқлади. Бу яққол далил қиладики, АСБдаги болаларда функционал тикланишни таъминлаш учун комплекс ва оилавий қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган интегратив реабилитация стратегияси зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Abidova N. Autizm spektrli bolalarning ruhiy rivojlanish xususiyatlarini o'rganish // Sustainability of education, socio-economic science theory. – 2024. – Т. 2. – №. 22. – С. 20-24.
2. Berdiyevich T. S. et al. Bolalarda autizm spektrining buzilishi natijasida nutq shakllanishidagi nuqsonlarning kelib chiqishi: dizatriya hamda al-laliya va ularni korreksiya qilish imkoniyatlari //so'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2026. – Т. 10. – №. 1. – С. 7-12.
3. Beshimovna S. F. Bolalik davrida yuzaga keladigan autizm kasalligining erta aniqlash, tashxislash va davolashning zamonaviy ko 'rinishlari //milliy iftixor. – 2025. – Т. 1. – №. 3. – С. 150-152.
4. Buriboyevna A. D. et al. Hemorrhagic stroke-symptoms and treatment //Western European Journal of Medicine and Medical Science. – 2024. – Т. 2. – №. 7. – С. 35-38.
5. Gulsora A. Autizm sindromli bolalar va ular bilan olib boriladigan rehabilitatsiya jarayonlari //Yangi O'zbekiston, yangi tadqiqotlar jurnali. – 2025. – Т. 3. – №. 6. – С. 119-125.
6. Mustafoev A. I. Et al. Enhancing characteristics of a ceramic product from local raw materials produced on the basis of a large solar device in a non-conventional mode //Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 202-210.
7. Rotanov A. et al. Comparative effectiveness of treatment of somatoform diseases in psychotherapeutic practice //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D12. – С. 267-272.
8. Shernazarov F., Sharapova D., Turayev B. Features of the development of manic and mixed episodes in patients with bipolar affective disorder who use cannaboids //Science and innovation. – 2024. – Т. 3. – №. D3. – С. 123-128.
9. Tolibjonovna M. L. et al. Autizm sindromli bolalarni ijtimoiy hayotga moslashishida bajarilayotgan zamonaviy yondashuvlar //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2026. – Т. 60. – №. 1. – С. 362-371.
10. Uskov A. et al. Evaluation of the effectiveness of supportive therapy in the practice of out-patient treatment of schizophrenia with long term atypical antipsychotics //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D12. – С. 316-321.

Иқтибос учун: Тургунбоев А.У. Аутистик спектр бузилишларида комплекс реабилитация жараёнида когнитив, коммуникатив ва ижтимоий функцияларнинг тикланиш динамикаси // Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси. – 2026. – № 2(22). – Б. 10–13. doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.18490382>